



ВАСИЯТНОМАНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Кучимова Шахло Абдусайтовна

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида

хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

Аннотация

Ушбу мақолада васиятноманинг ҳуқуқий табиати ва унинг мерос ҳуқуқидаги ўрни таҳлил қилинади. Муаллиф васиятномани бир томонлама битим сифатида кўриб чиқиб, унинг ўзига хос хусусиятлари, юридик кучга эгаллиги ва меросхўрларга таъсири ҳақида фикр юритади. Шунингдек, мақолада васиятномани бекор қилиш, ўзгартириш ёки тўлдириш тартиблари, унинг қонуний чегаралари ва мажбурий улуш масалалари ёритилади. Васият қилиш эркинлиги, унинг чекловлари ва ҳуқуқий оқибатлари бўйича турли ҳуқуқий ёндашувлар таҳлил қилинади.

Мақолада, шунингдек, васиятномани икки томонлама битим сифатида талқин қилишга оид назарий қарашлар ҳам ўрганилиб, ушбу ёндашувнинг асосий далиллари ва ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил этилади. Нотариал амалиётда васиятномалар билан боғлиқ асосий муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари муҳокама қилинади. Васиятномани бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ юридик масалалар ҳам кўриб чиқилиб, халқаро тажриба билан таққосланади.

Калит сўзлар: васиятнома, мерос ҳуқуқи, ҳуқуқий ворислик, бир томонлама ва икки томонлама битимлар, Фуқаролик кодекси, нотариал амалиёт, мажбурий улуш, васият қилиш эркинлиги, ҳуқуқий оқибатлар, халқаро тажриба

LEGAL NATURE OF THE WILL

Abstract

This article analyzes the legal nature of a will and its role in inheritance law. The author examines the will as a unilateral transaction, discussing its unique characteristics, legal validity, and impact on heirs. The article also explores the



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

procedures for revoking, modifying, or supplementing a will, its legal limitations, and issues related to the compulsory share. Various legal approaches to testamentary freedom, its restrictions, and legal consequences are analyzed.

Additionally, the article studies theoretical perspectives on interpreting a will as a bilateral transaction, examining the main arguments and legal aspects of this approach. Key challenges related to wills in notarial practice and possible solutions are discussed. The article also considers legal issues regarding the annulment or invalidation of wills and compares these aspects with international practices.

Keywords: will, inheritance law, legal succession, unilateral and bilateral transactions, Civil Code, notarial practice, compulsory share, testamentary freedom, legal consequences, international experience.

ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ЗАВЕЩАНИЯ

Аннотация

В данной статье анализируется правовая природа завещания и его роль в наследственном праве. Автор рассматривает завещание как одностороннюю сделку, обсуждая его особенности, юридическую силу и влияние на наследников. Также в статье рассматриваются процедуры отмены, изменения или дополнения завещания, его правовые ограничения и вопросы, связанные с обязательной долей. Анализируются различные правовые подходы к свободе завещания, ее ограничениям и юридическим последствиям.

Кроме того, в статье изучаются теоретические взгляды на трактовку завещания как двусторонней сделки, рассматриваются основные аргументы и правовые аспекты данного подхода. Обсуждаются ключевые проблемы, возникающие при работе с завещаниями в нотариальной практике, и возможные пути их решения. Рассматриваются юридические вопросы, связанные с отменой или признанием завещания недействительным, а также проводится сравнительный анализ с международной практикой.

Ключевые слова: завещание, наследственное право, правопреемство, односторонние и двусторонние сделки, Гражданский кодекс, нотариальная



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

практика, обязательная доля, свобода завещания, юридические последствия, международный опыт.

Мерос қолдирувчининг вафотидан сўнг мулк тақдири фақат васият тузиш орқали ҳал қилиниши мумкин. Васият қилувчи васият тузиш орқали тириклик давомида ўз мулкани вафотидан кейин қандай тақсимланишини белгилаб қўяди. Фуқаролик кодексининг 1120-моддасидан англашилишича “васият қилувчи ўз хоҳишига кўра мулкани исталган шахсларга васият қилиши, меросхўрларнинг улушларини ҳар қандай тарзда белгилаши, қонун бўйича меросхўрларнинг бирини, бир нечасини ёки барчасини меросдан маҳрум этиши мумкин ва бунинг сабабларини кўрсатиши шарт эмас”. Тириклик чоғида васият қилувчи аввал тузилган васиятни ўзгартириши ёки бекор қилишга ҳақли ҳисобланади¹. Бунда васият қилувчи ўз васиятида кўрсатилган шахсларнинг розилигини олмаслиги ва уни тузиш жараёнида иштирок этган шахсларни хабардор қилмаслиги мумкин. Васият бир неча марта бекор қилиниши, ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин. Кейинги васият олдинги васиятни бекор қилади, тўлдиради ёки ўзгартиради. Аммо васият эркинлиги Фуқаролик кодексининг 1142-моддаси билан чекланган бўлиб, унда васиятдан қатъи назар мажбурий улуш ҳақида сўз боради.

Умумий қоидага кўра, васият бир томонлама битим ҳисобланади. У оддий бир томонлама битимлардан ўз хусусиятлари билан фарқ қилади. Масалан, васият уни тузган шахс учун ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклатмайди. Ҳатто васият махфийлигини сақлаш мажбурияти ҳам васият қилувчига тааллуқли эмас, чунки васият махфийлиги фақат унинг ўзи учун аҳамиятга эга. Васият махфийлигини ошкор қилиш ёки қилмаслик – бу васият қилувчининг ҳуқуқидир. Бу битим фақат тўлиқ ҳуқуқий лаёқатга эга бўлган жисмоний шахс томонидан амалга оширилиши мумкин.

Шу билан бирга, Фуқаролик кодексининг 102-103-моддаларига кўра, бир томонлама битим бир шахснинг иродаси билан амалга оширилади ва уни тузган шахс учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келтиради, қонун ёки

¹ Серебровский В.И. Избранные труды. М.: Статут, 1997. С. 113.



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

келишувга мувофиқ баъзи ҳолларда бошқа шахслар учун ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келиши мумкин.

Бир томонлама битимнинг биринчи хусусияти васиятга деярли мос келса-да, иккинчиси унга тўлиқ мос келмайди, чунки васият тузилган пайтда васият қилувчи учун ҳеч қандай ҳуқуқ юзага келмайди, тўхтатилмайди ёки ўзгармайди². С.П.Гришаев таъкидлаганидек, васият маълум ҳуқуқий оқибатларга эришишга қаратилган бўлиб, улар марҳум фуқаронинг мулкӣ ва айрим номулкий ҳуқуқлари бошқа шахсларга ўтиши билан боғлиқ. Бироқ, унинг иродасини амалга ошириш учун қўшимча юридик фактлар – мерос очилиши ва меросхўрнинг меросни қабул қилиши зарур.

Шунинг учун васият тузилгандан сўнг дарҳол ҳуқуқий кучга эга бўлмайди, чунки у оддий бир томонлама битимлардан фарқли равишда мустақил равишда ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқариш қобилиятига эга эмас.

Ҳозирги вақтда васият бир томонлама битим эканлигини инкор қилишга уринишлар қилинмоқда. Хусусан, “шакл бўйича васиятнома” ва “мазмун бўйича васият”ни ажратиш кераклиги ҳақида фикр билдирилмоқда, ва охиргисини мустақил, расман яқунланган битим эмас, балки икки томонлама битимдаги оферта сифатида тан олиш таклиф қилинмоқда³. Бироқ, бу Фуқаролик кодексининг 367-моддасида кўрсатилган оферта тушунчасига мос келмайди, чунки мерос қолдирувчининг мероси очилган пайтга келиб, уни ҳеч нарса боғлаб тура олмайди. Бундан ташқари, “мерос ҳуқуқи”ни акцепт деб аташ мумкин эмас, чунки бу ҳуқуқ юридик қобилиятнинг элементи (мерос қилиш ҳуқуқи) ҳисобланади, аммо шартнома тузиш таклифи эмас.

Фуқаролик кодексида васият мерос очилгандан кейин ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириши кўрсатилган. Менинг фикримча, бу қондан аниқлаштириш зарур. Юқорида таъкидланганидек, васият қонун бўйича мерос қилишни қисман ёки тўлиқ бекор қилиши, қонун бўйича барча ёки айрим меросхўрларни меросдан маҳрум қилиши мумкин, аммо у ўз-ўзидан

² Виноградова О.М. Правовая природа завещания // <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovaya-priroda-zaveschaniya>

³ Рождественский С.Н. Завещание как сделка по гражданскому законодательству // Бюллетень нотариальной практики. 2003. № 5 // Справочная система «Консультант Плюс» - [Электронный ресурс] / Компания «Консультант Плюс». - Последнее обновление 01.12.2014г.



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

кўзланган ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди. Мерос қолдирувчининг васият тузганлиги фактининг ўзи васият бўйича меросхўрлар учун васият қилинган мулкка нисбатан ҳуқуқларнинг вужудга келиши, тўхтатилиши ёки ўзгаришига сабаб бўлмайди.

С.П. Гришаев таъкидлаганидек, васият муайян ҳуқуқий оқибатларга эришишга қаратилган бўлиб, улар марҳум фуқаронинг мулкӣ ва айрим номулкӣ ҳуқуқлари бошқа шахсларга ўтиши билан боғлиқ⁴.

З.Шамухаммедованинг фикрича, “васиятнома мерос мол-мулкининг барчасини ёки унинг бир қисминимуайян шахсларга, шунингдек давлат ёки алоҳида юридик шахслар ва бошқа ташкилотларга ўтказиш тартибини белгилашни кўзлайди”⁵.

Бироқ, васиятда назарда тутилган оқибатлар фақат унинг мавжудлиги асосида юзага келмайди. Улар умуман рўй бермаслиги ҳам мумкин (масалан, меросхўр васият қилувчидан олдин вафот этса, меросхўр нолайиқ деб топилса, меросхўр васиятдан воз кечса ёки меросни қабул қилмаса). Ҳуқуқий оқибатлар васият бўйича меросхўрнинг хоҳиши ва розилигига боғлиқ. Васият қилувчи тириклик чоғида меросхўрнинг берган розилиги ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, у фақат мерос қолдирувчи вафот этгандан кейин, қонун билан белгиланган муддат ичида ифодаланиши лозим.

Васиятноманинг ҳуқуқий табиатга оид яна бир қизиқ позицияни Э.А. Абашин илгари суради, у мазкур ҳуқуқий воситанинг индивидуал ва шахсий хусусиятига урғу беради ҳамда уни битим сифатида баҳолайди: “Васият – бу фақат бир шахс томонидан амалга ошириладиган, фақат шу шахснинг иродасини ифода этадиган ва унинг шахсан ўз мулкига нисбатан шахсан ўзи томонидан амалга ошириладиган битимдир”⁶.

Васият бир томонлама битим деган назариядан ташқари, уни икки томонлама ҳужжат сифатида қараш фикри ҳам мавжуд. Бу концепция тарафдорлари мазкур ҳуқуқий муносабатларда икки субъект иштирок этади, деб

⁴ Гришаев С.П. Наследственное право: учебно-практическое пособие. – «Проспект», 2011. – 112 с.

⁵ Шомухамедовой З.Ш. Проблемы развития наследственного законодательства Республики Узбекистан: теория и практика: автореф. дис. ... док. юрид. наук. – Ташкент: 2011. – 21 с.

⁶ Абашин Э. А. Завещание и договор дарения // М.: Инфра-М, - 2012. - С. 3.



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

ҳисоблайдилар: бири – мерос қолдирувчи (васият қилувчи), иккинчиси – меросхўр. Биринчиси ўз мулкани иккинчисига ўтказишни хоҳлайди, иккинчиси эса уни қабул қилишга интилади. А.Г.Сараев бу ҳолатни қуйидагича изоҳлайди: “Васиятнинг ҳуқуқий восита сифатидаги мақсади – мулкни вафотдан сўнг тасарруф этишдир, шунинг учун бу ерда умумий мақсадга эга икки ирода мавжудлиги ҳақида гапириш мумкин (мулк ҳуқуқини ўтказиш) ...”⁷.

Бироқ, кўпчилик ҳуқуқшунослар бу ерда битимни амалга ошириш пайтида икки субъект иштирок этмаслигини таъкидлайдилар – икки ирода мавжуд, лекин улар келишилган шаклда ифода этилмаган, чунки мерос очилган пайтга келиб, икки томонлама битимнинг битта томони аллақачон “мавжуд бўлмайди” бўлади. Ушбу контраргументнинг аниқлигидан қатъи назар, айрим цивилистлар ўлим онгини ҳисобга олмасликни афзал кўрадилар: “Васиятнинг ҳуқуқий натижаси мерос қолдирувчининг ҳаёти давомида намоён бўлади ва васиятнинг ҳуқуқий кучини сақлаб қолиш қобилиятида ифодаланади, яъни у тузилган пайтдан бошлаб меросхўрлар меросни қабул қилгунга қадар ўз ҳуқуқий кучини сақлаб қолади, бунда ўлим онги эътиборга олинмайди”⁸.

Юридик адабиётларда васиятни икки томонлама битим сифатида баҳолаш нафақат юқорида кўрсатилган сабабларга асосланган, балки бошқа назарий ёндашувлар ҳам мавжуд. Масалан, нотариус С.Н. Рождественский⁹ ўз фикрларини бир томонлама битим ва мажбурият тушунчаси қоришмасига асослантириб изоҳлайди. Бироқ, унинг далилларини асосли деб топиш қийин – чунки мажбурият тушунчаси кредитор ва қарздор ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади, лекин бу мақомларни мерос қолдирувчи ва меросхўр билан боғлаш мушкул. Қандай қилиб меросхўр (кредитор) мерос қолдирувчидан (қарздордан) вафотидан кейин қандайдир мажбуриятларни бажаришни талаб қилиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин.

⁷ Сараев А. Г. О правовой природе завещания // СПС "КонсультантПлюс": поиск по автору и названию.

⁸ Ануфриева Л. П. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации. Часть третья (постатейный) / Отв. ред. Л. П. Ануфриева. М.: Волтерс Клувер, - 2004. - С. - 15.

⁹ Рождественский С. Н. Завещание как сделка по гражданскому законодательству // Бюллетень нотариальной практики. - 2003. - № 5 // СПС "КонсультантПлюс": поиск по автору и названию.



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

Нотариус ўз тадқиқотида васиятнинг ҳуқуқий табиатига чуқурроқ кириб бориб, хулоса қиладики, васият тузиш оферта ҳисобланади, бу ерда васият қилувчи оферент, меросни қабул қилишга қарор қилган меросхўр эса акцептант сифатида иштирок этади, демак, бу муносабатлар икки томонлама, шу боис васият ҳам икки томонлама битим ҳисобланади.

Бу позиция ҳуқуқшунослар томонидан кескин танқид қилинади, чунки меросни қабул қилиш жараёнининг ўзи мерос ҳуқуқига асосланган бўлиб, у секундар (иккиламчи) хусусиятга эга.

Илмий жамоатчиликнинг муайян доираси нафақат васиятни икки томонлама битимга тегишли деб баҳолашни қўллаб-қувватламайди, балки унинг бир томонлама битимга мувофиқлигини ҳам жиддий шубҳа остига қўяди. Умумий қоидага кўра, бир томонлама битим – бу битимни амалга оширган шахснинг иродаси натижасида юзага келадиган ҳуқуқий оқибатларга эга бўлган ҳуқуқий ҳаракатдир.

Яқин вақтгача цивилистлар асосан бир томонлама битимда мажбуриятлар юзага келиши масаласига шубҳа билан қарар эдилар, аммо битимнинг биринчи характеристикаси ҳам бир маъноли эмас. Фуқаролик кодексига мерос шартномаси ва қўшма васият тўғрисидаги янги нормалар киритилганидан сўнг, илмий жамоатчиликда мазкур институтларнинг ҳуқуқий табиати ва васият орқали мерос қолдириш ўртасидаги зиддиятлар юзага келди.

Фуқаролик кодексининг 1112-моддасида: “ворислик васият, ва қонунга биноан амалга оширилади” деб кўрсатилган. Шу асосда айрим муаллифлар томонидан билдирилаётган мерос шартномаси ва васиятнинг ҳуқуқий табиатидаги фарқлар¹⁰ асосланмаган деб айтиш мумкин, чунки бу икки ҳуқуқий восита миллий қонунчиликда мутлақо турли асослар сифатида белгиланган.

Қонун чиқарувчининг васият ҳуқуқий табиати бўйича (бир томонлама битим) ва икки шахснинг иродасига асосланган қўшма васият институти ўртасидаги

¹⁰ Ишутин, И. В., Чижиков А. А. Правовая природа завещания // Актуальные вопросы современной науки: Сборник статей по материалам X международной научно-практической конференции. В 4-х частях, Томск, 12 марта 2018 года. Том Часть 3. – Томск: Общество с ограниченной ответственностью Дендра, 2018. – С. 122–127. – EDN UWTAJQ.



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

зиддият аниқ парадоксни келтириб чиқаради. Айрим цивилистлар эр-хотинларнинг умумий ва шахсий мулки бўйича қўшма иродасини белгилаш асосида бундай васиятни шартнома деб баҳолайдилар. Масалан, М.В. Смирнов шундай таъкидлайди: бундай ҳолатда эр-хотинларнинг қўшма васиятини фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг алоҳида тури деб ҳисоблаш тўғрироқ бўлар эди¹¹.

Шу билан бирга, бундай фикрга қарши бўлганлар ҳам бор. Масалан, Р.М.З. Зумбулидзе шундай ёзади: “...ўзаро боғлиқ қўшма васият меросхўрларга нисбатан бир томонлама битим бўлиб қолаверади, аммо эр-хотинлар ўртасидаги муносабатларда у уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи шартнома хусусиятларига эга”¹².

Яна бир бора бир томонлама битим тузишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар, шунингдек, ҳуқуқий оқибатлар ҳақидаги масалага эътибор қаратадиган бўлсак, миллий қонунчиликка кўра, бир томонлама битим амалга оширилганда, уни амалга оширган шахс учун мажбуриятлар юзага келади. Аммо васият ёзишда васият қилувчи (мерос қолдирувчи) ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлмайди – шу сабабли ҳеч қандай ҳуқуқий ваколатлар юзага келмайди, ўзгармайди ёки тугамайди.

Бундай ҳолатда ҳуқуқий ваколатлар билан чекланган ягона шахс фақат васият қилувчи эмас – васият бўйича меросхўр ҳам ҳеч қандай “дарҳол” ҳуқуқий оқибатларга дучор бўлмайди. Васият қилувчининг ҳуқуқий ваколатларсизлигини асослаб, В.А.Белов шундай таъкидлайди: “Одатдаги битим фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини юзага келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган бўлса, васият қонун билан белгиланган меросхўрлар доирасини ўзгартириш, меросхўрларнинг меросга чақирилиши

¹¹ Смирнов М. В. Об особенностях юридических конструкций наследственного договора и совместного завещания супругов // Garant Science Discussion Board on Legal, Accounting and Auditing. 2019. № 1 // Доступ из СПС «Гарант» (дата обращения: 29.01.2025).

¹² Зумбулидзе, Р. М. З. Правовая природа совместного завещания супругов / Р. М. З. Зумбулидзе // Научно-практический юридический журнал Общество. Закон. Правосудие. – 2022. – № 1(54). – С. 21–24. – EDN CZASLZ.



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

тартибини белгилаш (ўзгартириш) ва (ёки) мерос объектларини аниқлашга қаратилган”¹³.

Меросхўрлар учун ҳам дарҳол ҳуқуқий оқибатлар юзага келмаслигини асослаб, С.П.Гришаев қуйидагиларни қайд этади: “Васият муайян ҳуқуқий оқибатларга эришишга қаратилган бўлиб, улар марҳумнинг мулкӣ ва айрим номулкӣ ҳуқуқларининг бошқа шахсларга ўтишида намоён бўлади. Аммо бу оқибатлар ўз-ўзидан юзага келмайди, марҳумнинг иродасини амалга ошириш учун қўшимча юридик фактлар талаб этилади: мерос очилиши ва меросхўр томонидан меросни қабул қилиш”¹⁴.

Демак, васиятнинг амалга ошишини тан олиш ва унинг мақсадига эришиш учун бир қатор шартлар мавжуд бўлиши лозим. Шунингдек, васиятни бир томонлама битим деб ҳисоблаш мумкин эмаслигини тасдиқлаш учун васият натижасида меросхўрнинг қандайдир ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишини ҳам шубҳа остига қўйиш мумкин, бу ҳолат фақат мерос очилганидан кейин (васият қилувчининг вафотидан сўнг) эмас, балки умуман содир бўлмаслиги ҳам мумкин.

Меросхўрнинг табиӣ вафоти, уни қонун асосида меросдан маҳрум қилиш (масалан, уни ноқонунӣ деб топиш), ёки меросдан оддий воз кечиши – буларнинг барчаси васиятни бир томонлама битим сифатида тўлиқ амалга ошган деб ҳисоблашга жиддий шубҳа уйғотади.

Васият ҳам ҳар қандай бошқа ҳуқуқий ҳодиса каби нафақат юзага келиш ва шаклланиш шартларига, балки тегишли оқибатларга ҳам эга бўлиб, бу ҳолат уни бир томонлама битим эмаслигини исботлашда аргумент сифатида кўрсатилади. Масалан, кенг тарқалган реституция тушунчаси – битимнинг ҳақиқӣ эмаслиги натижасида юзага келадиган оқибат бўлиб, у томонлар томонидан битим доирасида олинган барча нарсани қайтаришни назарда тутати¹⁵ – васиятга нисбатан қўлланилмайди. Бунини тасдиқлаб, А.Г. Сараев

¹³ Белов В. А. Гражданское право. Т. 3: Особенная часть. Абсолютные гражданско-правовые формы: Учебник // М., -2012. - С. 884.

¹⁴ Гришаев С. П. Наследственное право // СПС "Гарант", 2005: поиск по автору и названию

¹⁵ Смоленский, М. Б. Проблемы недействительности сделок в гражданском праве: односторонняя и двусторонняя реституция, недопущение реституции / М. Б. Смоленский // Наука и образование: хозяйство и экономика; предпринимательство; право и управление. – 2020. – № 5(120). – С. 91–94. – EDN PZTNAN.



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

шундай таъкидлайди: “Агар васият ҳақиқий эмас деб топилса, у шунчаки кучини йўқотади ва аввалги ҳолатга қайтиш имконияти йўқ, чунки васият юридик кучга эга бўлган пайт ўзига хос “қайтиш нуқтаси” бўлиб, ундан олдинги барча ҳолатлар ўз кучини йўқотади”¹⁶.

Шунингдек, В.П. Мозолин ҳам шундай фикр билдиради: “... васиятнинг ҳақиқий эмаслиги натижасида унинг оқибатларига фақат асоссиз бойиш қоидалари қўлланилади”¹⁷. Лекин бу позиция танқидга мойил, чунки de facto ҳаммаси ростдан ҳам аввалги ҳолатга қайтади – яъни мерос васият асосида эмас, қонун бўйича ўтади.

Цивилистларнинг аргументацияси фақатгина васиятнинг кучини йўқотиш натижасида юзага келадиган оқибатлар билан чекланиб қолмай, балки уни ҳақиқий эмас деб топиш жараёнини ҳам ўз ичига олади. Умумий қоидага кўра, суд жараёнида жавобгар истёмоғчи ҳуқуқини бузган ёки унга тажовуз қилган шахс ҳисобланади. Лекин васиятни ҳақиқий эмас деб топиш масаласида, ҳужжатда кўрсатилган шахс ҳар доим ҳам ҳуқуқбузар ҳисобланмайди, лекин у судда жавобгар сифатида тан олинади¹⁸.

Бундай ҳолатда, процессуал қонунчиликка хос бўлган икки томоннинг қарама-қаршилиги қаерда экан, деган савол туғилади. Кам учрайдиган, лекин мумкин бўлган ҳолатлардан бири – васиятда умуман меросхўр кўрсатилмаган бўлиши мумкин. Масалан, мулк жамият манфаати учун хайрия мақсадида қолдирилганда¹⁹. Бундай ҳолатда жавобгар сифатида ким чиқишини аниқлаш қийинлигича қолмоқда.

Шунингдек, ҳеч кимга сир эмаски, амалиётда васият матнида кўпинча “барча мол-мулкимни васият қиламан...” деган ифода учрайди. Бундай иборани мерос қолдирувчилар кўпинча ўз мол-мулкни рўйхатга олмаслик мақсадида қўллайдилар. Ушбу аниқ ифодага асосланган ҳолда, васият қилувчининг истаги ва иродаси – мероснинг бутун ҳажмини маълум бир шахсга қолдириш эканлигини тахмин қилиш мумкин. Шу билан бирга, бу ерда васият

¹⁶ Сараев А. Г. О правовой природе завещания // СПС "КонсультантПлюс": поиск по автору и названию.

¹⁷ Мозолин В. П. Гражданское право. Часть первая: Учебник / Отв. ред. В.П. Мозолин // М., - 2007. - С. 285.

¹⁸ Абраменков М. С. Общая характеристика института недействительности завещания // Наследственное право. - 2011. - № 3. С. 4–6.

¹⁹ Доркин А. И., Рясенцев В.А. Социалистическая законность // Советская юстиция. - 1947, - № 10, - С. 29.



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

килувчининг ҳозирда мулкида бўлмаган “бўлажак” мол-мулкни ҳам беришига тайёрлиги ҳақидаги тахминни ҳам илгари суриш мумкин.

Бундай предметга эга бўлган битим модели фақат мерос ҳуқуқи соҳасида учрайди ва фуқаролик ҳуқуқида бунга ўхшаш бошқа ҳолатлар мавжуд эмас²⁰. Васиятни бир томонлама битим сифатида анъанавий таърифлашга, шунингдек, уни икки томонлама битим сифатида кўришга нисбатан кўплаб танқидларга қарамасдан, ушбу позиция тарафдорлари, аксар ҳолларда, васиятга ўз таърифларини беришда қийналадилар – агар у битим бўлмаса, у ҳолда бу қандай ҳуқуқий ҳодиса?

Шундай кам сонли мутахассислардан бири – А.Г.Сараев ўз таърифини таклиф этади: “Васият – бу шахсининг индивидуал иродасини ифодаловчи (ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳаракат), қатъий белгиланган шаклда тузиладиган ва мулкка бўлган ҳуқуқларни унинг эгаси вафот этган пайтда эҳтимолий тарзда бошқа шахсга ўтказишга, ушбу мулккий ҳуқуқлар юзасидан мажбуриятларни белгилашга ҳамда ушбу ҳужжатни амалга ошириш шартларини аниқлашга йўналтирилган ҳуқуқий ҳодисадир”²¹.

Юқорида келтирилган барча фикрларга асосланиб, миллий қонунчиликда васиятнинг ҳуқуқий табиати аниқ белгиланган – у бир томонлама битим ҳисобланади, деб даъво қилиш мумкин. Аниқ ифодаланган позицияга қарамай, ушбу мавзу атрофида низолар ва мунозаралар мавжудлиги очиқ-ойдин.

Фуқаролик ҳуқуқи мутахассислари ва ҳуқуқшунослари гўёки мутлақо қарама-қарши фикрларни ҳимоя қиладилар:

- айримлар қонун чиқарувчининг позициясини тўлиқ қўллаб-қувватлайди;
- бошқалар, аксинча, васиятни икки томонлама битим деб ҳисоблайдилар;
- учинчи гуруҳ эса аввалги икки позицияни умуман танқид қилади, аммо васиятга аниқ таъриф беришда қийналадилар.

Шу билан бирга, васиятни икки томонлама битим деб ҳисоблаш позицияси унчалик ишончли эмас. Аммо, бу масала юзасидан бошқа фикр тарафдорлари

²⁰ Белов В. А. Гражданское право. Т. 3: Особенная часть. Абсолютные гражданско-правовые формы: Учебник // М., -2012. - С. 884.

²¹ Сараев А. Г. О правовой природе завещания // СПС "КонсультантПлюс": поиск по автору и названию.



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

Ўртасидаги мунозара асосли, айниқса, мерос ҳуқуқи муносабатлари ва қонун ижодкорлиги ривожланаётган шароитда бу долзарбдир. Хулоса қилиб айтганда, васиятнома мерос қолдирувчининг хоҳиш иродасини ифодаловчи ҳужжат бўлиб, унинг асосида мерос қолдирувчиларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Серебровский В.И. Избранные труды. М.: Статут, 1997. С. 113.
2. Виноградова О.М. Правовая природа завещания // <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovaya-priroda-zaveschaniya>
3. Рождественский С.Н. Завещание как сделка по гражданскому законодательству // Бюллетень нотариальной практики. 2003. № 5 // Справочная система «Консультант Плюс» - [Электронный ресурс] / Компания «Консультант Плюс». - Последнее обновление 01.12.2014г.
4. Гришаев С.П. Наследственное право: учебно-практическое пособие. – «Проспект», 2011. – 112 с.
5. Шомухамедовой З.Ш. Проблемы развития наследственного законодательства Республики Узбекистан: теория и практика: автореф. дис. ... док. юрид. наук. – Ташкент: 2011. – 21 с.
6. Абашин Э. А. Завещание и договор дарения // М.: Инфра-М, - 2012. - С. 3.
7. Сараев А. Г. О правовой природе завещания // СПС "КонсультантПлюс": поиск по автору и названию.
8. Ануфриева Л. П. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации. Часть третья (постатейный) / Отв. ред. Л. П. Ануфриева. М.: Волтерс Клувер, - 2004. - С. - 15.
9. Рождественский С. Н. Завещание как сделка по гражданскому законодательству // Бюллетень нотариальной практики. - 2003. - № 5 // СПС "КонсультантПлюс": поиск по автору и названию.
10. Ишутин, И. В., Чижиков А. А. Правовая природа завещания // Актуальные вопросы современной науки: Сборник статей по материалам X международной научно-практической конференции. В 4-х частях, Томск,



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th February, 2025

-
- 12 марта 2018 года. Том Часть 3. – Томск: Общество с ограниченной ответственностью Дендра, 2018. – С. 122–127. – EDN UWTAJQ.
11. Смирнов М. В. Об особенностях юридических конструкций наследственного договора и совместного завещания супругов // Garant Science Discussion Board on Legal, Accounting and Auditing. 2019. № 1 // Доступ из СПС «Гарант» (дата обращения: 29.01.2025).
 12. Зумбулидзе, Р. М. З. Правовая природа совместного завещания супругов / Р. М. З. Зумбулидзе // Научно-практический юридический журнал Общество. Закон. Правосудие. – 2022. – № 1(54). – С. 21–24. – EDN CZASLZ.
 13. Белов В. А. Гражданское право. Т. 3: Особенная часть. Абсолютные гражданско-правовые формы: Учебник // М., -2012. - С. 884.
 14. Смоленский, М. Б. Проблемы недействительности сделок в гражданском праве: односторонняя и двусторонняя реституция, недопущение реституции / М. Б. Смоленский // Наука и образование: хозяйство и экономика; предпринимательство; право и управление. – 2020. – № 5(120). – С. 91–94. – EDN PZTNAN.
 15. Мозолин В. П. Гражданское право. Часть первая: Учебник / Отв. ред. В.П. Мозолин // М., - 2007. - С. 285.
 16. Абраменков М. С. Общая характеристика института недействительности завещания // Наследственное право. - 2011. - № 3. С. 4–6.
 17. Доркин А. И., Рясенцев В.А. Социалистическая законность // Советская юстиция. - 1947, - № 10, - С. 29.
 18. Белов В. А. Гражданское право. Т. 3: Особенная часть. Абсолютные гражданско-правовые формы: Учебник // М., -2012. - С. 884.